

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик-педагогика институти

**Касб таълими мутахассисликларига оид  
магистрлик диссертация ишларини  
тайёрлаш ва ҳимоясини ташкил  
қилиш бўйича**



**МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА**

Наманган—2010

Дадамирзаев Ғ. Касб таълими мутахассисликларига оид магистрлик диссертация ишларини тайёрлаш ва ҳимоясини ташкил қилиш бўйича методик қўлланма. Наманган. НамМПИ, 2010 йил, 23 бет.

Методик қўлланма 5140900 - Касб таълими (бакалаврият таълим йўналишлари) негизидаги 5А140901-Касб таълими мутахассисликлари магистрантлари учун мўлжалланган бўлиб, уни тайёрлашда қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7-сентябрдаги 190 - сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:
  - 2.1. 2007 йил 29 декабрдаги 269 - сонли буйруғи билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисидаги Низом”;
  - 2.2. 2008 йил 30 майдаги 159 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг намунавий тартиби”

Тузувчи:

Ғ. Дадамирзаев – Ички назорат  
ва мониторинг бўлими бошлиғи

Такризчи:

А.Ҳакимов – Ўқув ишлари  
бўйича проректор

Методик қўлланма НамМПИ ўқув-методик кенгашининг 2010 йил 8 январ кунги йиғилишида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия берилган (қарор №5).

### **Кириш**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъриф берилишича: **Магистратура** – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

“Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Касб таълими мутахассисликлари бўйича магистратура битирувчилари асосан олий таълим муассасаларида ва ўрта махсус касб ҳунар таълими тизимида педагогик ҳамда илмий фаолият билан, илмий-тадқиқот муассаларида илмий фаолият билан шуғулланишларини эътиборга олинадиган бўлса, уларнинг диссертация мавзулари ҳам келгусидаги меҳнат фаолиятларига мутаносиб бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Магистр: танланган мутахассислик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир фаолият юритиш; тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича аспирантурада таҳсил олиш; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

Магистратура таълим дастурининг “Илмий фаолият” блокининг илмий-педагогик ишлар бўлими:

замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларида

фойдаланган ҳолда педагогик маҳорат ва кўникмаларини шакллантириш;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил қилиш малакаси ва кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади.

Касб таълими мутахассисликлари бўйича магистрлик диссертацияси тайёрлашда ушбу бўлимнинг аҳамияти каттадир.

Илмий-педагогик фаолиятда магистрантлар илмий-методик изланиш элементлари ва таълимни амалга ошириш асослари билан танишадилар ва улар бўйича чуқур билимга эга бўладилар. Чунки **илмий-методик** иш:

- мутахассислик илмий-методик мавзуси бўйича қидирув тадқиқотларини ўтказиш, масала ҳолатини обзор ва таҳлил қилиш;
- ечилаётган мавзу бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш;
- мавзу бўйича ўқитишни технологиялаштириш вариантларини кўриб чиқиш ва оптимал вариантни танлаш;
- ўқитиш ва билимни назорат қилишнинг автоматлаштирилган дастурини ишлаб чиқиш;
- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқотларида ахборот технологияларидан фойдаланишни назарда тутади.

Методик қўлланма магистратура талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан илмий раҳбарлар, мутахассислик кафедралари аъзолари ва магистрлик диссертациясига алоқадор барча шахслар фойдаланишлари мумкин.

**1. ОЎМТВ нинг 2009 йил 17 мартдаги 76 сонли “Битирув  
малакавий иши ва магистрлик диссертациялари сифатини  
ошириш ва ҳимоясини ташкил этиш ҳақида” ги буйруғида  
юклатилган вазифалар**

**1. Ректорга:**

- БМИ ва МДлари мавзуларининг долзарблиги, уларнинг республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига мослиги, соҳа ва буюртмачи вазирлик, ташкилот, корхоналар муаммоларининг ечимига қаратилганлигини таъминлаш;
- ЯДА комиссиялари раислари ва таркибини тажрибали раҳбарлар ва профессор-ўқитувчилардан шакллантириш, улар билан синов ва ҳимояларни юқори талабчанлик, ошкоралик ва адолатли ўтказиш ҳақида махсус йиғилиш ўтказиш;
- ўқув ишлари бўйича проректор раислигида комиссия тузилиб, ҳар икки ҳафтада БМИ ва МДларининг бажарилиш ҳолатини мутахассислик кафедралари кесимида ўрганиш ва натижаларини ректорат йиғилишида муҳокама этиб бориш;
- ҳимоягача бўлган муддат давомида ҳар ҳафтада БМИ ва МДларининг бажарилиш мониторингини олиб боришни ташкил этиш (аниқ сана, соат ва аудитория кўрсатилган жадваллар асосида ҳар бир кафедрада мудир нazorати ва иштирокида битирувчи ва раҳбарнинг ҳафталик ҳисобот бериб бориши тартибида);
- БМИ ва МДларини бажариш учун зарур жиҳозлар ҳамда техника билан таъминланган махсус хоналар ажратиш, уларда БМИ ва МДларини жадвал асосида бажарилишини ташкил этиш;
- архив, ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда сақланаётган БМИ ва МДларидан нусха кўчиришни олдини олиш чораларини кўриш;
- БМИ ва МДларининг бажарилиш, синов ва ҳимояларнинг бориш жараёнларини шахсан назорат қилиш вазифалари топширилсин.

**2. Ўқув ишлари бўйича проректорга:**

- БМИ ва МДларини бажариш ва ҳимоясини ўқув жараёни жадвалида белгиланган муддатларда ўтказишни таъминлаш;
- кафедраларда битирувчилар ҳисоботларини юқори талабчанлик руҳида ўтказишни ташкил этиш;
- битирувчиларга раҳбарлик ҳамда БМИ ва МДларининг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминламаётган, лавозим вазифаларига совуққонлик билан ёндошаётган профессор-ўқитувчилар ва

кафедра мудирларига нисбатан қатъий чоралар кўриш, жумладан раҳбарликдан четлаштириш бўйича таклифлар киритиш.

### **3. Факультет деканларига:**

- битирувчилар томонидан БМИ ва МДларининг мустақил бажарилаётганлиги, БМИ ва МДлари бўйича консультация жадвалларига амал қилинаётганлигини назоратга олиш;
- кафедраларда жадвал асосида битирувчилар томонидан БМИ ва МДларининг бажарилиш ҳолатини фоизларда аниқлаш (процентовка) ҳамда уларнинг презентацияларини ташкил этилганлигини назорат қилиш.

### **4. Кафедра мудирларига:**

- БМИ ва МДларига раҳбар бўлган ўқитувчиларнинг битирувчилар билан фаол ишлаштини йўлга қўйиш;
- БМИ ва МДларини бажаришда кечикиш ҳолларини олдини олиш;
- БМИ ва МДларини бажарилиш ҳолатини фоизларда аниқлаш, консультациялар ва презентациялар ўтказиш жадвалларига қатъий риоя қилиш;
- БМИ ва МДларига тақризчи сифатида тажрибали профессор-ўқитувчилар, олимлар ва ишлаб чиқариш ходимларини жалб этиш;
- БМИ ва МДларнинг ҳимоясини замонавий ахборот технологиялари воситасида презентация шаклида ташкил этиш;
- ЯДА хулосасига мувофиқ юқори даражада бажарилган БМИ ва МДлари (илмий, илмий-методик, амалий, лойиҳалар асосида, хорижий тилларда бажарилган ишлар) муаллифларини рағбатлантиришга тавсия этиш ва ОАВларида ёритиш, уларни кўрик танловларга тавсия этишни таъминлаш.

## 2. Магистрлик диссертация ишларини ташкил қилиш бўйича хронологик тартиб-қоидалар

| № | Тадбирлар                                                                                                          | Мухлати                                                                                         | Масъуллар<br>(тасдиқлаш)                                                                                |
|---|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Диссертация иши<br>мавзулари банкини<br>шакллантириш                                                               | Ўқув йилининг<br>биринчи семестри<br>(январ-феврал)                                             | Мутахассислик<br>кафедраси<br>йиғилишида<br>муҳокама қилинади                                           |
| 2 | Диссертация иши<br>мавзуларини<br>талабаларга тақдим<br>(тавсия) қилиш                                             | Ўқув йилининг<br>иккинчи семестри<br>бошлангандан кейин<br>икки ҳафта давомида<br>(10 мартгача) | Мутахассислик<br>кафедраси мудирини,<br>магистратура<br>бўлими бошлиғини                                |
| 3 | Талабалар магистрлик<br>диссертация иши<br>мавзулари ва Илмий<br>раҳбарларини<br>тасдиқлаш                         | Ўқув йилининг<br>иккинчи семестри<br>учинчи ҳафтасида<br>(20 мартгача)                          | Мутахассислик<br>кафедраси<br>тақдимномасини,<br>магистратура<br>бўлими тавсиясини,<br>Ректор буйруғини |
| 4 | Магистрантнинг<br>“шахсий иш режасини”<br>ни ишлаб чиқиш<br>(ўрнатилган шаклда)                                    | Март ойининг<br>охиригача                                                                       | Илмий раҳбар, ўқув<br>ишлари бўйича<br>проректор<br>тасдиқлайди                                         |
| 5 | Магистрлик<br>диссертациялари<br>бўйича давлат<br>аттестациялари<br>комиссия раисларини<br>ОЎМТВ да<br>тасдиқлатиш | Январ                                                                                           | ИН ва М бўлими,<br>Ректор                                                                               |
| 6 | Магистрлик<br>диссертациясини ҳимоясини<br>бўйича Якуний давлат<br>аттестация<br>комиссиясини<br>тасдиқлаш         | Феврал<br>март                                                                                  | ИН ва М бўлими,<br>ўқув ишлари бўйича<br>проректор, Ректор                                              |
| 7 | Магистрлик<br>диссертациясини<br>ҳимояларини ўтказиш<br>жадвалини тузиш ва<br>тасдиқлаш                            | Апрел                                                                                           | Ўқув ишлари<br>бўйича проректор,<br>Ректор                                                              |

|    |                                                                                                            |                                                                              |                                                                    |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------|
| 8  | Магистрантнинг “шахсий иш режаси” даги ўқув, илмий, услубий ва тарбиявий ишлари бажарилишини назорат қилиш | “Шахсий иш режаси” да белгиланган тартиб бўйича диссертация иши якунлангунча | Мутахассислик кафедраси мудири, магистратура бўлими бошлиғи        |
| 9  | Диссертация ишлари ҳимоясини ўтказиш, ҳисоботларни тайёрлаш ва ИН ва М бўлимига топшириш                   | Ўқув жараёни жадвали бўйича, ҳимоя тугагач 5 кун ичида                       | ЯДА комиссия аъзолари тўлиқ, комиссия раиси ва кафедра мудири      |
| 10 | ЯДА комиссиясининг иши бўйича йиллик ҳисоботни Илмий кенгашда кўриб чиқиш ва ОЎМТВ га тақдим этиш          | ЯДА синовлари (ҳимоялар) тугагач бир ой муддатда (июл)                       | ИН ва М бўлими, ўқув ишлари бўйича проректор, Ректор               |
| 11 | Магистратура битирувчиларини талабалар сафидан чиқариш ва уларга диплом бериш ҳақида буйруқ чиқариш        | Ҳимоялар тугагач 5 кун ичида (июн, июл)                                      | Тегишли кафедра мудирлари, ўқув ишлари бўйича проректор, Ректор    |
| 12 | Магистрлик диссертация ишларини архивга топшириш                                                           | Ҳимоялар тугагач бир ҳафта ичида                                             | Кафедра мудирлари, архив бошлиғи                                   |
| 13 | Битирувчилар йиғма жилди (делоси) ни диплом бериш хонасига топшириш                                        | Ҳимоялар тугагач бир ҳафта ичида                                             | Ҳимоялар бўйича котиблар, кафедра мудирлари, талаба кадрлар бўлими |
| 14 | Диплом иловаларини тўлдириш ва диплом хонасига топшириш                                                    | Ҳимоялар тугагач бир ҳафта ичида                                             | Ҳимоялар бўйича котиблар, кафедра мудирлари                        |
| 15 | Диссертация ишини архивга топшириш                                                                         | Ҳимоялар тугагач 10 кун ичида (10 йил сақланади)                             | Кафедра мудирлари, магистратура бўлими, архив бошлиғи              |



### 3. Магистрлик диссертация ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари

Магистрлик диссертация ишини бажаришдан **мақсад** – талабаларнинг таълим жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот (илмий-техникавий ва илмий-методик иш) жараёнида олинган натижаларни тизимли кўринишда мужассамлаш, илмий маълумотларни таҳлил қилиш, асослаш, ишнинг илмий муҳимлиги ва амалий аҳамиятини исботлаш, ишнинг мазмун моҳиятини асосли равишда ҳимоя қилиш малака ва кўникмаларини шакллантиришдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун магистрантлар томонидан қуйидаги **вазифалар** ҳал этилиши керак бўлади:

- илмий (ёки илмий-техник, илмий-методик) изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиш ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўлларини ўрганиши;
- ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни матн ёки жадваллар (электрон чизма, расм) шаклида мужассамлаштира олиши;
- танланган мавзунинг долзарблигини асослаши;
- соҳа (масалан педагогик) бўйича ечилаётган илмий (илмий-методик) масала ҳолатини таҳлил қилиши;
- қўйилган масалани ечиш услубларини кўриб чиқиши ва энг самаралигини аниқлаши;
- энг самарали муқобил ечимни илмий (илмий-методик ва техник-иқтисодий) жиҳатдан асослаб бериши;
- илмий-техник (илмий-методик) масала ечими натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантириши ҳамда иқтисодиётнинг (таълим соҳаларининг) тегишли тармоқларида қўллаш имкониятларини аниқлаши.

#### 4. Диссертация ишининг мавзулари

Диссертация иши мавзуси ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фан-техника, ижтимоий соҳалардаги илғор ва долзарб масалаларга бағишланиб, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши керак.

Касб таълими мутахассисликлари бўйича диссертация иши мавзулари асосан Олий ва ўрта махсус таълими муаммоларига, бакалаврият ва касб-ҳунар коллежлари мутахассислик фанларини ўқитишга илғор педагогик ва ахборот технологияларини тадбиқ қилишга, касб таълимининг методологик асослари ва илмий-тадқиқот усулларига бағишланган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Илмий-техник, иқтисодий ёки соф илмий йўналишдаги мавзулар бўйича диссертация ишларида асосий қисмга **илмий-методик бўлими киритилиши шарт.**

Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларнинг диссертация ишлари мавзуларини танлашда буюртмачи ташкилотлар тавсияларини инобатга олиши керак.

Диссертация иши мавзулари мутахассислик кафедраларида муҳокамадан ўтказилади ва Илмий-методик кенгаш тавсияси асосида Илмий кенгашда тасдиқланади.

Касб таълими мутахассисликлари бўйича диссертация ишлари мавзуларидан намуналар келтирамиз.

**КТ (электр энергетикаси) бўйича:**

- Электротехника курсининг амалий машғулот масалаларини дифференциацияланган дидактик материаллар асосида яратиш ва интерфаол ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш (КТ(БИҚ) таълим йўналиши мисолида).

- Наманган вилоят насос станцияларининг энергия тежамкорлик режимларини ишлаб чиқиш (синхрон двигателли битта станция мисолида)

**КТ (Информатика ва ахборотлар технологиялари) бўйича:**

- КХК ларидаги “Техник чизмачилик” фанини ўқитишда график дастурлар ва тизимлардан фойдаланиб талабаларнинг фазовий тасаввурини ошириш омилларини яратиш.
- Машинасозликда автоматик бошқариладиган узлуксиз динамик тизимларни оптимал бошқаришни синтезлашнинг дастурий таъминотини яратиш.

**КТ (Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш) бўйича:**

- КХК лари учун автомобил тузилиши фанининг ўқув комплексини яратиш методини ишлаб чиқиш.
- Автомобилларда ишлатилган мотор мойларини сувсизлантириш усулларини такомиллаштириш.

**КТ (Мухандислик коммуникациялари қурилиши) бўйича:**

- Қуёш энергияси коллекторлари учун иссиқлик жамлаш тизимларини тадқиқ қилиш.
- Оқава сувларни тозалаш технологиясида ҳосил бўладиган чўкмаларга ишлов бериш.

## **5. Магистрлик диссертацияси иши таркиби:**

- 1.** Титул варағи (илова қилинади)
- 2.** Мундарижа
- 3.** Кириш
- 4.** Асосий қисм (2-3 бобдан иборат)
- 5.** Хулоса
- 6.** Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### **Кириш қисмида:**

- мавзунинг долзарблиги;
- МД ишининг мақсад ва вазифалари;
- амалий аҳамияти;
- илмий янгилиги;
- тадқиқот объекти;
- тадқиқот предмети;
- диссертациянинг тузилиши (ҳажми, расмлар, жадваллар, фойдаланилган адабиётлар сони).

### **Асосий қисмида:**

- мавзу муаммоларининг ўрганганлик ҳолати;
- масаланинг қўйилиши;
- ечилаётган ғоя ва фикрларнинг илмий жиҳатдан асосланиши;
- ечимлар, таклифлар, тавсиялар (ҳар бир бобдан кейин);
- ҳаёт фаолияти хавсизлиги

### **Хулоса қисмида:**

- тадқиқот натижасида чиқарилган хулосалар;
- шахсий эришган натижалар.

Фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган **адабиётлар** рўйхатида (матнда ишлатилиш кетма-кетлиги ва силка асосида):

- мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган адабиётлар, илмий, илмий-услубий мақолалар, интернет маълумотлари;
- ёзиш тартиби: муаллифнинг фамилияси ва исми, шарифи, адабиёт ёки мақоланинг номланиши, шахри, нашриёти, йили, бети.

**МД нинг ҳажми:**

- 60-80 варақ матндан (иловаларсиз) иборат бўлиб, А4(21x29) формат қоғозга компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда, матннинг юқори қисмидан 25 мм, қуйи қисмидан 25 мм, чап томонидан 30 мм, ўнг томонидан 15 мм бўш майдон қолади.

**МД ҳимояси учун кўргазмали чизмалар:**

А1 формат қоғозда 5-6 та чизма ёки техник воситаларда намоёиш қилиш учун материаллар.

## **6. Магистрлик диссертация ишига раҳбарлик қилиш**

Диссертация ишига раҳбарлик юқори малакали, фан доктори ёки фан номзоди илмий даражага эга бўлган кафедраларнинг профессор ва доцентлари, шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари илмий марказлари олимлари, конструкторлик бюrolари ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали амалиётчи мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Бир ўқув йилида фан докторлари, профессорларга 5 тагача, фан номзодлари, доцентлар ва амалиётчи мутахассисларга 3 тагача магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилишга рухсат этилади. Лекин уларнинг битирув малакавий ишлари билан биргаликдаги раҳбарлиги 7 тадан ортиб кетмаслиги керак, четдан таклиф қилинган мутахассисларники эса 4 тагача бўлиши мумкин.

**Диссертация иши раҳбари:**

- а) магистрант билан биргаликда ишлаб чиқилган “Шахсий иш режа” да белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида бажарилишини назорат қилади (“Шахсий иш режа” 2-чи семестр бошида тўлдирилади);
- б) мавзуга тегишли илмий ва илмий-методик журнал ва интернет маълумотларини ҳамда бошқа манбааларни тавсия этади;
- в) устоз-шогирд сифатида мунтазам илмий мунозара олиб боради;
- г) диссертация таркибининг ҳар бир қисмини унга қўйилган талаблар асосида бажарилишини текшириб боради ва хулосалар ёзишга кўмаклашади;
- д) тайёр бўлган диссертация ишини обдон ўқиб чиқади ва ҳимояга қўйиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилгач унга тақриз ёзади ҳамда титул варағига имзо қўйиб, кафедра мудирига тақдим этади.

Диссертация иши талабанинг ўқиган тилида (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ҳам) ёзилиши мумкин. Хорижий тилда ёзилган ишга давлат тилида аннотация илова қилинади ҳамда диссертация ҳимояси таржима билан ўтказилади.

**7. Магистрлик диссертация ишининг титул varaғи**

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Наманган муҳандислик-педагогика  
институту**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 372.853

**Уматалиева Камила**

***Мавзу:** Электротехника курсининг амалий машғулот масалаларини дифференциацияланган дидактик материаллар асосида яратиш ва интерфаол ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш (Касб таълими (БИҚ) таълим йўналиши мисолида)*

***5A140901 Касб таълими (5520200 Электр энергетикаси)***

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:**

**доц. Ғ. Дадамирзаев**

**Наманган - 2010**

## 8. Магистрлик диссертация ишига раҳбарнинг тақризи

Наманган муҳандислик-педагогика институти  
\_\_\_\_\_ гуруҳ магистранти \_\_\_\_\_ нинг  
магистрлик диссертацияси ишига илмий раҳбарнинг

### ТАҚРИЗИ

Мавзу \_\_\_\_\_

1. Мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети

2. Тадқиқот натижаларининг илмий (илмий-методик) жиҳатдан янгилик даражаси \_\_\_\_\_

3. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи \_\_\_\_\_

4. Иш тузилиши ва таркиби \_\_\_\_\_

5. Хулоса ва таклифларнинг асослангани \_\_\_\_\_

6. Магистрант фаолиятига изох \_\_\_\_\_

Илмий раҳбар \_\_\_\_\_

(Имзо)

(Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_ (иш жойи)

\_\_\_\_\_ (Сана)



**9. Магистрлик диссертация ишининг кафедрадаги муҳокамаси  
(намуна)**

Наманган муҳандислик-педагогика институти

Энергетика факультети

«Электротехника ва энергетика» кафедраси  
мажлисининг баёни  
№9

Наманган шаҳри

10.05.2009.

Қатнашдилар:

13 нафар кафедра аъзолари,  
факультет декани

Кун тартиби:

1. Магистрантларнинг диссертация ишлари муҳокамаси

**Тингланди:** Кафедра мудири доц.М. Тошмирзаев:

С.К. Ваҳобованинг “Электротехника ва электроника фанида мустақил иш мавзуларини асослаш ва уни ташкил қилиш методикасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги диссертация иши кафедра доценти Ғ. Дадамирзаев раҳбарлигида тайёрланган. Диссертация иши унга қўйилган талабларга тўла жавоб беради. Магистрант ўқув жараёнида барча фанлардан юқори кўрсаткичларга эришди ва илмий фаолиятни раҳбар билан ҳамкорликда муваффақиятли олиб борди. Диссертация ишига ташқи оппонент сифатида НамДУ физика кафедраси мудири проф. Н. Раҳимов номзодини тавсия қиламан.

**Сўзга чиқди:** О. Отамирзаев – менинг фикримча, С. Ваҳобовани интизомли ва фаол магистрант эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Дарсларда илмга чанқоқ эканлигини кўрсатган. Мен кафедра мудирининг фикрларига қўшиламан.

**Қарор қилинди:** 1) С.К. Ваҳобованинг магистрлик диссертация ишини маъқуллансин ва ҳимояга қўйилсин.  
2) С.К. Ваҳобованинг диссертация ишига ташқи оппонент этиб НамДУ физика кафедраси мудири проф.Н.Раҳимов тайинлансин.

Навбатдаги диссертация ишлари ҳам шу тариқа давом этади. Агар бирор диссертация ишини ҳимоя қилишга тавсия этилмаса диссертант ва илмий раҳбар иштирокида алоҳида муҳокамадан ўтказилади ва тавсия этилмаслик сабаби асосланади. Кейин кафедра қарори магистратура бўлими бошлиғига тақдим этилади ва унинг ректорга ёзган билдиришномаси асосида магистрант талабалар сафидан чиқарилади.

Раис:

М. Тошмирзаев

Котиба:

Д. Зокирова

## 10. Магистрлик диссертация ишига ташқи оппонентнинг тақризи

Наманган муҳандислик-педагогика институти  
\_\_\_\_\_ гуруҳ магистранти \_\_\_\_\_ нинг  
магистрлик диссертацияси ишига ташқи оппонентнинг

### ТАҚРИЗИ

Мавзу \_\_\_\_\_

1. Мавзунинг долзарблиги, МД ишининг мақсад ва вазифаларининг ёритилиши

2. Амалий аҳамияти, илмий янгилиги, тадқиқот объекти ва предметининг таҳлил қилиниши

3. МД нинг тузилиши (Ҳажми, расмлар, жадваллар, фойдаланилган адабиётлар сони)нинг унга қўйилган талабларга мос келиши

4. Муаллиф илгари сураётган ғоя ва фикрларнинг илмий жиҳатдан асосланиши, тегишли ечимлар ва таклифлар берилиши

5. Диссертация ишининг айрим бобларида ва якунида келтирилган хулосалар ва таклифларнинг асослангани

\_\_\_\_\_  
(Оппонентнинг Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_  
(иш жойи, илмий унвони)

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

\_\_\_\_\_  
(имзо)

## 11. Магистрлик диссертация ишига ДАК нинг хулосаси

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик-педагогика институти

Магистратура бўлими \_\_\_\_\_  
мутахассислиги ботирувчиси \_\_\_\_\_нинг

\_\_\_\_\_мавзудаги магистрлик диссертация ишига ДАК нинг

### ХУЛОСАСИ

ОЎМТВ нинг 30.05.2008 й. 159-сонли “Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг намунавий тартиби”, 22.05.2009 й. 160-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари ботирувчиларининг ЯДА си тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқларида белгиланган талабларга асосан ЯДА комиссияси қуйидаги хулосага келди

| № | МД нинг даражаси                                                                                                             | Балл | № | МД нинг даражаси                                                                                | Балл |
|---|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|---|-------------------------------------------------------------------------------------------------|------|
| 1 | Ҳажми ва сифатли расмийлаштириш (ҳажми 60-80 варақ матн (иловаларсиз)дан иборат, А4 формат қоғозда 1,5 интервал, 14 шрифтда) |      | 3 | Мавзунинг долзарблигини, МД мақсад ва вазифаларини, илмий янгилигини, амалий аҳамиятини асослаш |      |
|   | а) талабга жавоб беради                                                                                                      | 9-10 |   | а) етарли даражада асосланган                                                                   | 9-10 |
|   | б) талабга жавоб бериши тўла эмас                                                                                            | 6-8  |   | б) асосланиши етарли эмас                                                                       | 6-8  |
|   | в) Расмийлаштириш сифатли эмас                                                                                               | 3-5  |   | в) асосланиши ноаниқ                                                                            | 3-5  |
| 2 | Мавзунинг танланиши                                                                                                          |      | 4 | Мавзу бўйича реферат ва у асосида ғоянинг илмий асосланиши                                      |      |
|   | а) Таълим ва халқ хўжалиги муаммолари, грант лойиҳалари                                                                      | 9-10 |   | а) реферат мавзуга мос келади ва ғоя илмий асосланган                                           | 9-10 |
|   | б) Илмий аҳамиятга эга умумий мавзу                                                                                          | 7-8  |   | б) реферат етарли эмас ва ғоянинг илмий асосланиши суст                                         | 6-8  |
|   | в) Илмий аҳамияти паст мавзу                                                                                                 | 5-6  |   | в) рефератнинг ғояга мос келиши етарли эмас, илмий асосланиши суст                              | 3-5  |

|   |                                                                                            |      |    |                                          |      |
|---|--------------------------------------------------------------------------------------------|------|----|------------------------------------------|------|
| 5 | Илмий асосланган ечимлар ва ва таклифлар                                                   |      | 8  | МД нинг ҳимояси                          |      |
|   | а) ечимлар ва таклифлар илмий асосланган                                                   | 9-10 |    | а) аъло                                  | 9-10 |
|   | б) илмий асосланган ечимлар берилган, лекин таклифлар асосланмаган                         | 6-8  |    | б) яхши                                  | 7-8  |
|   | в) ечим ва таклифлар юзаки асосланган                                                      | 4-5  |    | в) қониқарли                             | 5-6  |
| 6 | МД бўйича чоп этилган илмий ишлар                                                          |      | 9  | Саволларга жавоб                         |      |
|   | а) ОАК рўйхатидан ўтган илмий журналларда                                                  | 9-10 |    | а) тўлиқ                                 | 9-10 |
|   | б) Халқаро илмий анжуманлар тўпламларида                                                   | 6-8  |    | б) чала                                  | 6-8  |
|   | в) Республика ва институт илмий анжуманлари тўпламларида                                   | 4-5  |    | в) қониқарли                             | 5-6  |
| 7 | Адабиётлардан фойдаланиш                                                                   |      | 10 | Ташқи тақриз                             |      |
|   | а) Хорижий, Ўз.Р илмий журналлари, монографиялар, интернет материалларидан етарли миқдорда | 9-10 |    | а) тўлиқ ижобий                          | 9-10 |
|   | б) мавзуга тегишли илмий журналлар материаллари етарли эмас                                | 6-8  |    | б) кўрсатилган камчилик 1-2 та           | 6-8  |
|   | в) фойдаланилган адабиётларда мавзуга мос келмайдиганлари мавжуд                           | 4-5  |    | в) кўрсатилган камчиликлар 2 тадан ортиқ | 4-5  |

Изоҳ: Баҳолаш 100 баллик тизимда амалга оширилади.  
Битирувчининг МД бўйича рейтинги \_\_\_\_\_ балл

ДАК раиси: \_\_\_\_\_

ДАК раиси муовини: \_\_\_\_\_

Аъзолар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

## 12. Магистрлик диссертация иши ҳимоясидаги ДАК аъзосининг баҳолов натижалари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Наманган муҳандислик-педагогика институти

ДАК аъзоси \_\_\_\_\_ нинг  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил ўтказган ҳимоядаги баҳолов натижалари  
(БМИ, МД)

| Талабанинг<br>фам.,<br>исми ва<br>шарифи |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
|------------------------------------------|---|---|---|---|---|---|--|--|--|--|--|--|--|
|                                          | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |  |  |  |  |  |  |  |
| 1                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 2                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 3                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 4                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 5                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 6                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 7                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 8                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 9                                        |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| 10                                       |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |
| Жаъми                                    |   |   |   |   |   |   |  |  |  |  |  |  |  |

(имзо) (хайъат аъзосининг ф.и.ш)  
 « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил

### 13. Магистрлик диссертация иши химояси бўйича қайднома

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Наманган муҳандислик-педагогика институти**

\_\_\_\_\_ факультети \_\_\_\_\_ гуруҳ  
\_\_\_\_\_ дан

(фани, БМИ, МД)

Якуний Давлат Аттестацияси натижалари бўйича

**ҚАЙДНОМА № \_\_\_\_\_**

Максимал балл \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_ й.

Саралаш бали \_\_\_\_\_

| Т/<br>р | Талабанинг фамилияси, исми | шифр | Умумий<br>балл | Ўзлаштириш<br>кўрсаткичи % |
|---------|----------------------------|------|----------------|----------------------------|
| 1       | 2                          | 3    | 4              | 5                          |
| 1       |                            |      |                |                            |
| 2       |                            |      |                |                            |
| 3       |                            |      |                |                            |
| 4       |                            |      |                |                            |
| 5       |                            |      |                |                            |
| 6       |                            |      |                |                            |
| 7       |                            |      |                |                            |
| 8       |                            |      |                |                            |
| ..      |                            |      |                |                            |
| ...     |                            |      |                |                            |

ДАК раиси \_\_\_\_\_

(имзо)

(ф.и.ш.)

Аъзолари \_\_\_\_\_

(имзо)

(ф.и.ш.)

(имзо)

(ф.и.ш.)

(имзо)

(ф.и.ш.)

\_\_\_\_\_

(имз о )

\_\_\_\_\_

(ф.и.ш.)

Котиби

\_\_\_\_\_

(имз о )

\_\_\_\_\_

(ф.и.ш.)

“ \_\_\_\_\_ ”

\_\_\_\_\_ 20\_\_ йил



